

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Шодмонов Элдор Эгамбердиевич

*Вазирлар Маҳкамаси Назорат ва ижро интизоми бўлими
бош мутахассиси Мустақил тадқиқотчи*

Анотация: Мақолада Янги Ўзбекистонда фуқароларни давлат органларига мурожаат қилишнинг конституциявий асослари, фуқароларнинг мурожаатларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилганлиги, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқлари бузилган тақдирда жавобгарлик масалалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи, мурожаат турлари, такрорий мурожаат, мурожаат ҳуқуқининг бузилиши, жиноий жавобгарлик.

Аннотация: в статье рассматриваются конституционные основы обращения граждан Нового Узбекистана в государственные органы, с указанием того, что обращения граждан зафиксированы в нормативно-правовых актах и в случаях, когда данное право нарушается, автором анализируется также ответственность, возникающая при этом.

Ключевые слова: право граждан на обращение, виды обращений, повторное обращение, нарушение права обращения, уголовная ответственность.

Annotation: the article examines the constitutional foundations of citizens of New Uzbekistan's appeals to government bodies, indicating that citizens' appeals are recorded in regulatory legal acts and in cases where this right is violated, the author also analyzes the liability that arises in this case.

Key words: citizens' right to appeal, types of appeals, repeated appeal, violation of the right to appeal, criminal liability.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир шахснинг давлат органларига, ташкилотларига мурожаат қилиш ҳуқуқи конституциявий норма асосида шаклланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида таъкидланишича, “Ҳар ким бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда давлат органларига ҳамда ташкилотларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, мансабдор шахсларга ёки халқ вакилларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар

ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.¹”

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4904-сонли Фармони қабул қилиниши ва 2017 йил мамлакатимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилиниши жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда янги босқичини бошлаб берди².

2017 йилнинг 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунда³ фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишларининг тартиби кенг ёритиб берилган. Шунингдек, ушбу Қонун давлат органлари ва ташкилотларига, уларнинг мансабдор шахсларга жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Ушбу қонуннинг асосий янгиликлари қуйидагилардан иборат бўлди:

- 1) Қонуннинг амал қилиш доираси аниқлаштирилиб, уни давлат иштирокидаги ташкилотларига нисбатан ҳам татбиқ этилиши белгиланди;
- 2) Мурожаатларни кўриб чиқишнинг асосий принциплари белгиланди;
- 3) “Электрон мурожаат”, “такрорий мурожаат”, “аноним мурожаат”, “видеоконференцалоқа”, “муурожаатларнинг дубликати”, “давлат иштирокини таъминлаш” каби тушунчалар моҳияти очиқ берилди;
- 4) “Оммавий қабул” мазмуни ва уни ташкил этишнинг механизмлари белгиланди.
- 5) 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида халқ билан очиқ мулоқотнинг механизмларини янада такомиллаштириш, давлат органларига келиб тушган мурожаатларни жамловчи марказлашган тизимини яратган ҳолда уларни кўриб чиқиш муддати ва сифати устидан рақамли назорат ўрнатиш, аҳолининг кундалик мурожаат тарзига бевосита таъсир этувчи масалалар бўйича мурожаатларни тезкор ва сифатли кўриб чиқилишини таъминлаш кўзда тутилган.⁴

Мурожаат ҳуқуқининг конституциявий тарзда мустаҳкамланиши жисмоний ва юридик шахсларни шахсий ёки жамоа манфаатлари юзасидан

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. 2023.

² Тажибаев М. Ва бошқалар. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш тартиби. – Т.: Нашриёт уйи тасвир, 2024.-7 бет.

³ Lex.uz/docs/3336169?ONDATE=12.09.2017%2000

⁴ Lex.uz/an/docs/5841063

ваколатли давлат органлари давлат муассасаларига мурожаатини кафолатловчи муҳим расмий ҳужжат ҳисобланади.

Мурожаат қилиш ҳуқуқининг Конституцияда нормалар билан белгиланган демократик тамойилларга тўла мос келишини таъкидлаган ҳолда ҳар бир шахснинг ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш орқали ўз қонуний мақсад-муддаосига етиши қонуний кафолатланади, бизда ҳар бир мурожаат қилувчига бошқа мурожаат қилувчилар билан бир хил эркинлик берилади, мажбурият юкланади.

“Жисмоний ва юридик шахсларни мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг, шунингдек, уларнинг мансабдор шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартибини белгиловчи намунавий қонун ишлаб чиқилди⁵.

Низомга кўра, мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда ариза, таклиф ва шикоят шаклида берилиши мумкин. Мурожаатларнинг тури, шаклидан қатъий назар, бир хил аҳамиятга эга. Давлат органларининг, ташкилотларнинг “ишонч телефони”га келиб тушган мурожаатлари оғзаки мурожаат сифатида рўйхатга олинади ва кўриб чиқилади. Давлат органининг, ташкилотнинг расмий веб-сайти орқали ёки расмий электрон почта манзилига келиб тушган мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади.

Қонунчиликда жисмоний ва юридик шахсларнинг ўзларининг аризалари, шикоятлари ва таклифлари билан мазкур идораларга мурожаат қилиш муддати белгиланган.

Айрим ҳолларда, агар давлат органининг, ташкилотнинг ёки улар мансабдор шахсларининг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича шикоятларига, жисмоний ва юридик шахсларни ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ўз вақтида амалга ошириш ва ҳимоя қилишни таъминлаш заруратига боғлиқ бўлса, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра мурожаатни бериш муддатини белгилаш мумкин⁶.

Жумладан, бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ариза ёки шикоят жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилишига ёхуд қарор қабул қилинишига таъсири бўлган пайтдан эътиборан узоғи билан бир йилдан кечиктирмасдан берилади.

⁵ Anticorruption.uz/uz/murojaatlarni-qabul-qilish-tartibi.

⁶ Тажибаев М. ва бошқалар. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш тартиби. – Т.: Нашриёт уйи тасвир, 2024.-39 бет.

Ариза ёки шикоят беришнинг узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган муддати аризани ёки шикоятни кўриб чиқувчи давлат органи, ташкилот ёки уларнинг ваколат берилган мансабдор шахси томонидан тикланади⁷.

Мурожаатни тўлиқ, ҳолисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун қўшимча муддатлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлган тақдирда, мазкур мурожаатни кўриб чиқиш, кўриб чиқаётган давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари мурожаат этувчига, шунингдек, ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат органларидан, бошқа ташкилотлардан ва мансабдор шахслардан қўшимча ахборотларни сўраб олиши мумкин. Агар ахборот давлат сирини ёки қонун билан кўриқланадаиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, давлат органи, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари ўзларидан сўралаётган ахборотни ўн кун ичида тақдим этиши шарт⁸.

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасига асосан, давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсларига келиб тушган мурожаатлар шу орган, ташкилот томонидан ёки мурожаатлари кўриб чиқиш бўйича зиммасига мажбуриятлар юклатилган мансабдор шахслари томонидан вояга етмаган шахснинг мурожаатларини кўриб чиқиш унинг қонуний вакиллари, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида амалга оширилиши мумкин. Вояга етмаган шахслар тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаслиги сабабли уларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни қолдиришга йўл қўйилмайди⁹.

Такрорий мурожаатлар умумий асосларда кўриб чиқилади. Агар такрорий мурожаатларда янги важлар ёки янгидан очилган ҳолатлар келтирилмаган бўлса, илгари мурожаат материалларида текширувларнинг тўла-тўқис материаллари мавжуд бўлса ва мурожаат қилувчи белгиланган тартибда жавоб олган бўлса, мурожаатларни кўриб чиқиш тугатилган ҳисобланади. Бунда мурожаат қилувчининг такрорий мурожаатини асоссизлиги ва ушбу масала юзасидан у билан ёзишмалар тугатилганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинади. Ёзишмалар олиб борган мурожаат қилувчидан такрорий мурожаат келиб тушган

⁷ Lex.uz/docs/3336169?ONDATE=12.09.2017%2000

⁸ Lex.uz/docs/3336169

⁹ Тажибаев М. Ва бошқалар. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш тартиби. – Т.: Нашриёт уйи тасвир, 2024.-172 бет.

тақдирда, бундай мурожаатни кўриб чиқиш мурожаат қилувчини бу ҳақда хабардор қилмасдан тугатилади¹⁰.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқилишини қонунга ҳилоф равишда рад этиши, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юборилган, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилиши таъминланмаганлиги ёки мурожаат муносабати билан маълум бўлиб қолган жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бошқача тарзда бузиш жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларига, эркинликларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд жамият ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказишга сабаб бўлса,- базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз сотагача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади¹¹.

Хулоса ўрнида қайд этиш керакки, мурожаат қилишга оид мазкур конституциявий ҳуқуқдан ҳар бир шахснинг тенг фойдаланиш имконияти тўлиқ йўлга қўйилди. Бугунги кунга келиб, “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган тамойил давлат ва жамият ҳаётига татбиқ этилди. Мурожаатлар билан ишлашнинг замонавий ўзбек моделини яратишга эришилди. Республикамизнинг барча ҳудудида мурожаатлар билан ишлаш бўйича тенг имкониятлар, очиқ ва шаффоф механизм ишламоқда. Амалга оширилаётган мазкур ишларни кучли фуқаролик жамиятига эришиш йўлидаги улкан қадам сифатида тушунишимиз лозим. Зеро, инсонларни мурожаат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқ билан таъминлаш демократик жамиятда олий кадрят сифатида эътироф этилади.

Шундай қилиб Янги Ўзбекистонда фуқароларни давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлаш масалалари долзарб аҳамият касб этиб, ушбу йўналишда тадқиқот ишларини олиб боришни талаб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. 2023 й.
2. Тажибаев М. ва бошқалар. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш тартиби. – Т.: Нашриёт уйи тасвир, 2024.-240 бет.

¹⁰ “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 30-моддаси. [Lex.uz/docs/3336169](https://lex.uz/docs/3336169)

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 144-моддаси. [Old.lex.uz/m/acts/111453](https://old.lex.uz/m/acts/111453)

3. «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон республикасининг қонуни.
Lex.uz/docs/3336169?ONDATE=12.09.2017%2000.

4. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони.
Lex.uz/an/docs/5841063.

5. Мурожаатларни қабул қилиш тартиби. nticorruption.uz/uz/murojaatlarni-qabul-qilish-tartibi.

6. “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 30-моддаси. Lex.uz/docs/3336169

7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 144-моддаси.
Old.lex.uz/m/acts/111453